

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



ИНТЕРНЕТ-МАКОН ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

Nomozov Xurshid Shavkat o'g'li
Shahrisabz davlat pedagogika instituti
o'qituvchisi
 Tel: +998914680710
 E-mail: nomozovnomozov@gmail.com

Шахсининг интернет-макон контентларидан оқилона фойдаланишини таъминлашда ахлоқий маданиятнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Инсон турли ресурсларни аввало ўз ахлоқий қарашлари, эҳтиёжлари ва қадриятларига асосланиб танлайди. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, шахс ахлоқий маданияти унинг интернет ресурсларига мурожаати характерини белгиловчи омилдир. У нақадар юксак бўлса, шахсининг интернет-макон контентларидан фойдаланиши ҳам оптимал тус олаверади, ижтимоийлашуви жараёни эса позитив характер касб қилади. Аксинча, бундай маданиятдаги нуқсонлар интернет имкониятларидан номақбул фойдаланишга, пировардида эса негатив ижтимоийлашув ҳолатларига сабаб бўлади. Бинобарин, интернет-макон ресурсларини шахс позитив ижтимоийлашуви омилига айлантириш учун унинг нафақат ахборот маданиятини, балки ахлоқий маданиятини ҳам юксалтириш зарур.

“Ахлоқ (арабча хулқнинг кўплиги; латинча *moralis*— хулқ-атвор) – маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавият соҳасига оид тушунчадир; кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси”¹. Файласуфлар ахлоқнинг вужудга келиши сабабларини турли позициялардан талқин қиладилар. И.С.Пасешниченко мақоласида мазкур талқинлар айниқса батафсил очиб берилган². Мақолада қайд қилинишича, ахлоқнинг келиб чиқишига доир беш асосий нуқтаи назар мавжуд. Диний нуқтаи назардан “барча ахлоқий қадриятлар, аниқроғи норма ва тамойиллар, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунчалар инсонга Худо томонидан белгилаб берилган”³. Натуралистик ёндашув тарафдорлари ахлоқни инсон борлигининг

¹ Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Том 1.- Т.: Ўзб.файл.миллий жам. нашр., 2019.- Б.119.

² Қаранг: Пасешниченко И.С. О природе возникновения морали (источники формирования нравствен-ности).// Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, 2010, №4.- 133-136-с.

³ Ўша ерда.- 133-с.



THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

муҳим атрибути сифатида тавсифлайдилар. Меҳнат концепциясига кўра, ахлоқ инсоннинг меҳнат фаолияти давомида вужудга келган. Ахлоқни экзогамиянинг вужудга келиши билан боғлаб талқин қилган файласуфлар уни ибтидоий жамоаларда ҳукм сурган таъқиқларга муқобил равишда пайдо бўлганини уқдирадilar. Шунингдек, ахлоқни инсоннинг шахс бўлиб камол топиши жараёни билан боғлаб тушунтирувчи мутахассислар ҳам мавжуд⁴. Ахлоқ қай тарзда вужудга келганидан қатъи назар, кишилиқ жамияти тарихи давомида унга доир нормалар, меъёрлар, қадриятлар аста-секинлик билан ахлоқий тажриба сифатида жаъм бўла борди. Ана шу ахлоқий тажриба жамият ахлоқий маданиятининг асосини ташкил этади. *Шахс ахлоқий маданиятига келадиган бўлсак, у – инсоннинг ахлоқий жиҳатдан ривожланганлиги тавсифи бўлиб, жамият ахлоқий тажрибасининг ўзлаштирилганлиги даражасини, хулқ-атворда ва бошқа жамият аъзолари билан муносабатларда ахлоқий қадриятлар, нормалар ва тамойилларга амал қилиш қобилиятини, ўз-ўзини такомил топтиришига тайёрлик меъёрини ифодаловчи тушунчадир*⁵.

Ахлоқ, ахлоқий маданият билан боғлиқ муаммолар кўп асрлардан буён изчил таҳлил қилиб келинмоқда. Энг қадимги манбалардаёқ мазкур мавзуга бағишланган мулоҳазаларни кўришимиз мумкин. Масалан, “ахлоққа оид фикрлар “Авестода”, қадимги туркий тош битиклар ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, халқимиз орасида кенг тарқалган панднома ва одобномаларда, халқ педагогикасида, диний-фалсафий рисоалар ҳамда алломалар меросида ахлоқ масалаларига кенг ўрин берилган”⁶. Инсоният тарихининг кейинги даврларида ҳам мутафаккирлар ва мутахассислар ахлоқ билан боғлиқ масалаларга диққатларини сусайтирганлари йўқ. Бироқ XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ва янги асрнинг бошларида ахлоқ муаммолари, айниқса шахс ахлоқий маданиятини такомиллаштириш масалалари айрича эътибор билан тадқиқ қилина бошланди. Бунинг сабаби шундаки, кўрсатилган даврга келиб, ахлоқий норма ва қадриятлар жиддий трансформацион жараёнларни бошидан кечирди. Мазкур жараёнлар олимларнинг диққатини тортди ва бунинг натижаси ўлароқ ахлоқий маданият мазмуни ва таркиби, шаклланиши қонуниятларига оид кўплаб илмий ишлар яратилди⁷.

⁴ Қаранг: Пасешниченко И.С. О природе возникновения морали (источники формирования нравственнос-ти)// Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, 2010, №4.- 133-136-с.

⁵ Брюхова Н.Г. Нравственная культура личности.// Культура. Духовность. Общество, 2014, №9.- 151-с.

⁶ Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Том 1.- Т.: Ўзб.файл.миллий жам. нашр., 2019.- Б.119-120.

⁷ Қаранг: Брюхова Н.Г. Нравственная культура личности.// Культура. Духовность. Общество, 2014, №9.- 150-155-с.; Пасешниченко И.С. О природе возникновения морали (источники формирования нравствен-ности)//



THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

Илмий ишлар мазмунидан кўринадики, шахс маданиятининг барча шакллари каби ахлоқий маданият ҳам ўз таркибига эга. Аммо мутахассисларнинг бу таркиб ҳақидаги илмий тасаввурларида яқдиллик мавжуд эмас. Хусусан, шахс ахлоқий маданиятини жамият ахлоқий маданиятининг инсонда намоён бўлиши шакли сифатида тадқиқ қилган тадқиқотчилар⁸ унинг таркибини бир хилда, ахлоқий маданиятни шахс маданиятининг муайян кўриниши тарзида тавсифлаган олимлар⁹ бошқа хилда тасвирлайдилар. Уларнинг барчаси рационалликдан холи эмас, албатта. Лекин биз ахлоқий маданиятни шахс маданиятининг ўзига хос кўриниши сифатида тавсифлаётганимиз боис унинг таркиби тўғрисидаги ўз тасаввурларимизни шакллантиришда Н.Г.Брюхованинг мулоҳазаларини асос сифатида олдик¹⁰ ва у таклиф этган таркибни ўз қарашларимиз билан тўлдирдик. Шундай қилиб, шахс ахлоқий маданияти моҳиятан яхлит тизимни ташкил этади ҳамда қуйидаги элементлардан таркиб топади:

- ахлоқий туйғулар – бундай туйғулар таркибига меҳрибонлик, хайрихоҳлик, ҳамдардлик, раҳмдиллик, олижаноблик ва шу кабилар киради. Том маънода ахлоқий маданиятга эга бўлган шахс ўз ҳатти-ҳаракатларини, ўзгаларнинг дарду-ташвишларини чуқур ҳис қила олади. “Ахлоқий туйғунинг хусусияти шундаки, у инсоннинг ижтимоий хулқ-атвор талабларига мос бўлган олий туйғуларидан бири ҳисобланади”.¹¹

- ахлоқий билимлар – ахлоқий тамойиллар ва хулқ-атвор нормаларидан воқифликнинг аҳамияти катта. Бундай хабардорлик шахсга ўз ҳатти-ҳаракатини жамиятда қабул қилинган нормалар билан мувофиқлаштириш, ўз аъмолини баҳолаш ва тартибга солиш имконини беради. Ахлоқий билимларнинг етишмаслиги инсон ахлоқий таназзули ибтидосидир. Ахлоқий маданияти баланд шахс ахлоқий билимларининг кенглиги ва тизимлилиги билан

Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, 2010, №4.- 133-136-с.; Сирожидинов Х. Ёшлар ахлоқий маданиятини ривожлантиришнинг тарихий-фалсафий қараш-лар ривожини.// Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2023, №1-2.- 34-42-б.; Расулова Ш.А. Инсон ахлоқий-экологик маданиятининг фалсафий жиҳатлари.// Экономика и социум, 2021, №3.; Яркова Е.Н. Нравственная культура как ценностно-смысловая система.// Вестник Пермского универ-ситета. Философия. Психология. Социология, 2012, №3.- 51-60-с.

⁸ Қаранг: Мамадиева Н.Х. Роль нравственной культуры личности.// Евразийский Союз Ученых.- euroasia-science.ru/pdf-argiv/65-67.

⁹ Қаранг: Брюхова Н.Г. Нравственная культура личности.// Культура. Духовность. Общество, 2014, №9.- 150-155-с.

¹⁰ Қаранг: ўша ерда.- 153-с.

¹¹ Литвякова Л.А. Философское рассмотрение понятия “нравственное чувство”.// Скиф. Вопросы студенческой науки, 2017, №8.- 193-с.



THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

тавсифланади. Бу билимлар унга шахсий ахлоқий позициясини шакллантириш имконини беради;

- ахлоқий тафаккур – инсоннинг эзгулик ва ёвузликнинг моҳияти ва ижтимоий оқибатлари, эзгуликни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида мулоҳаза юритиш қобилиятидир. Инсон ўз эркинлигидан қай даражада фойдаланмоғи даркор? Оқилона хулқ-атвор нималардан таркиб топади? Бундай хулқни шакллантириш омиллари нималардан иборат? – ахлоқий тафаккурнинг асосий мавзулари ана шулардан иборат¹². Юксак ахлоқий маданиятга эга шахс чуқур ва рационал ахлоқий тафаккурга эга бўлади;

- ахлоқий қадриятлар – шахс учун муайян кадр-қимматга эга бўлган ахлоқий тамойиллар ва хулқ-атвор нормалари “оила муҳити ёки таълим муассасасида, меҳнат, ўқиш, ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади”¹³. Ахлоқий қадриятлар шахс хулқ-атворининг лейтмотивини, йўналишини белгилаб беради ҳамда инсон умрига муайян мазмун ва маъно бахш этади, уни аниқ мақсадга бўйсундиради;

- ахлоқий идеал – “инсон ва жамиятнинг маънавий соҳадаги эзу интилиш ва мақсадлари ифодаси, юксак ахлоқ меъёрларига асосланган хулқнинг олий даражаси ва мукамал ҳолати ҳақидаги тасаввур”¹⁴. Ахлоқий идеал ахлоқий билимлар ва қадриятлар негизида бунёд бўлади ва шахснинг жамиятдаги жараёнларга муносабатини шакллантиради;

- хулқ-атвор шакли – шахснинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракатлари, жамоат жойида ўзини тутиши, бошқа жамият аъзоларига муносабат тарзи ҳам унинг ахлоқий маданиятининг шаклланганлиги даражасидан далолат беради. Юксак ахлоқий маданиятга эга бўлган шахс жамиятда эътироф этилган этикетга қатъий амал қилади; ахлоқий фаоллик – инсоннинг оламга, бошқа инсонларга ахлоқий муносабати ифодасидир. Ахлоқий фаол инсон ўз ҳаётини фаолиятини ахлоқ нормалари ва шахсий ахлоқий идеали, қадриятлари асосида ташкил этади, ўз ахлоқий позициясини намоён қилишдан тортинмайди, ахлоқий қиёфасини муттасил такомиллаштириб боради, ахлоқсиз ҳатти-ҳаракатларга тоқат қилмайди¹⁵.

¹² Калинина Т.Л. Этическое мышление о благе, долге, моральном законе и других категориях нравственности" APRIORI. Серия: Гуманитарные науки, 2015, №6.- 15-с.

¹³ Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Том 1.- Т.: Ўзб.файл.миллий жам. нашр., 2019.- Б.121.

¹⁴ Ўша ерда.

¹⁵ Қаранг: Касьянова Е.И. Нравственная активность как сущностная характеристика толерантности.// Вестник ВГУ. Серия Гуманитарные науки, 2008, №1.- 92-с.



THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT

Хуллас, янги аср воқелиги барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам шахс ахлоқий маданиятининг ижобий трансформациясига сабаб бўлди. Бироқ мамлакатимиз фуқароларининг ахлоқий маданиятида нуқул позитив ўзгаришлар рўй бераяпти, дейиш қийин. Қатор ижтимоий жараёнлар унинг салбий томонга ўзгаришига ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, “ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бугун жаҳонда бамисоли балоқазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда”¹⁶. Шунингдек, интернет-маконда шахс ижтимоийлашуви жараёнига салбий таъсир кўрсатадиган контентларнинг кўпайиб бораётгани ҳам шахс ахлоқий маданиятининг айрим жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Том 1.- Т.: Ўзб.файл.миллий жам. нашр., 2019.- Б.119.
2. Қаранг: Пасешниченко И.С. О природе возникновения морали (источники формирования нравствен-ности).// Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, 2010, №4.- 133-136-с. Ўша ерда.- 133-с.
3. Қаранг: Пасешниченко И.С. О природе возникновения морали (источники формирования нравственнос-ти).// Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, 2010, №4.- 133-136-с.
4. Брюхова Н.Г. Нравственная культура личности.// Культура. Духовность. Общество, 2014, №9.- 151-с.
5. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Том 1.- Т.: Ўзб.файл.миллий жам. нашр., 2019.- Б.119-120.
6. Қаранг: Брюхова Н.Г. Нравственная культура личности.// Культура. Духовность. Общество, 2014, №9.- 150-155-с.;
7. Пасешниченко И.С. О природе возникновения морали (источники формирования нравствен-ности).// Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки, 2010, №4.- 133-136-с.;
8. Сирожиддинов Х. Ёшлар ахлоқий маданиятини ривожлантиришнинг тарихий-фалсафий қараш-лар ривожини.// Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2023, №1-2.- 34-42-б.;

¹⁶ Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч.- Т.:Маънавият, 2008.- Б.117.

THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



9. Расулова Ш.А. Инсон ахлоқий-экологик маданиятининг фалсафий жиҳатлари.// Экономика и социум, 2021, №3.;
10. Яркова Е.Н. Нравственная культура как ценностно-смысловая система.// Вестник Пермского универ-ситета. Философия. Психология. Социология, 2012, №3.- 51-60-с.
11. Қаранг: Мамадиева Н.Х. Роль нравственной культуры личности.// Евразийский Союз Ученых.- euroasia-science.ru/pdf-arxiv/65-67.

